

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 10-noyabr • Seshanba • 132 (30.092) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## Тиббиётдаги ислохотлар

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан, юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида кенг нишонланади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан бир қаторда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошқа соҳалар қатори аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари кўлами янада кенгайди. Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, биноларни таъмирлаш ва замонавий тиббий воситалар билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида бундай имкониятдан оқилона фойдаланганда бирламчи шифо масканлари мутахассислари касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-эпидемиологик муҳитни барқарорлаштиришда салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги «Ибн Сино» қишлоқ врачлик пункти 2009 йилнинг энг намуна-



Сарвар ҲУСНОВ олган сурат.

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ

ли қишлоқ врачлик пункти деб топилди ҳамда «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

— Ушбу мукофот бирламчи шифо масканлари фаолиятини такомиллаштиришга давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди мазкур қишлоқ врачлик пункти мудири Дилором Айтбоева. — Тиббий масканимиз энг сўнги рўсумдаги диагностика аппаратлари билан тўла таъминланган. Бизга тақдим этилган автомаши-

на патронаж ишларини янада кенгайтириш, аҳолининг қишлоқ врачлик пунктига ишончини ошириш ва иш фаолиятимизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда оилавий поликлиникалар ўртасида ўтказилган танлов якунлари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Оила шифокори тизими шаҳар шароитида аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини

олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни оширишда яхши усул эканини яққол намойён этмоқда, — дейди мазкур поликлиника бош шифокори Саидхамд Хамроқулов. — Етти нафар оила шифокоримизнинг ҳар бирига икки-икки ярим минг аҳоли бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзосининг жисмоний ва руҳий ҳолати тўғрисида тўла маълумотга эга. Бу ҳасталикларнинг олдини олиш ва профилактика тадбирларини юқори савияда ташкил этишда

фост қўл келмоқда.

Тадбирда энг фаол умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси танловлари ғолиблари ҳам эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорлар «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълоҳиси» кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Байрам концерти даврага янада файз киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
Уза мухбири.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойи бўлиб ўтади.

## ЖИПСЛИК ВА ДАДИЛ ТАШАББУС

партия мақсадларини амалга оширишнинг асосий шарти

«Қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди».

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзларини ҳар гал ўқиганимда, кундалик ҳаётни қўяверинг, ҳатто, халқ депутатлари айрим маҳаллий Кенгашлари сессияларидаги ҳолатларни эсламан. Баъзан шундайларга дуч келамиз: ҳоким ёки амали бир поғона юқори одам нимани гапирса депутатлар ҳам, етакчи мутахассислар ҳам бошларини лиқиллатиб ўтираверишади. Ўз фикрини айтишга журъат қилолмайди. Яқинда Тошкент вилоят партия ташкилотининг конференциясида маърузачи партиямизнинг шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари айрим аъзоларининг оддий муаммоларни ҳал этишдаги нўноқлиги, қонун-қоидалар, қарорларни яхши билмаслиги, амалдор одамдан кўрқкиш ҳисси, ҳоким ёки мансабдор шахс гашига тегиб, ёмон кўриниб қолишдан чўчиш ҳолатлари борлигини таъкидлади. Бу — бор гап.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда партиямизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки жонланди, таъсир кучи ошди. Бошланғич партия ташкилотлари, шаҳримиз партия кенгашининг фаолияти бунга асосли мисол.

Партия ҳаётида ижобий ўзгаришлар нималарда кўринмоқда? Аввало, аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказдик. Бунинг натижасида ташкилотимиз билан алоқаси узилганлар сафимиздан чиқди. Бу партия ташкилотларимиз сифат жиҳатидан яхшиланиб, қуйи бўғинларда ҳам ҳаракатчанлик, амалий ишлар кучайишига олиб келади. Фикримча, бошланғич партия ташкилотларимиз, шаҳар ва туман кенгашлари худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электратимизни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш маса-

ларига қаратилган тадбирларни кучайтириши керак.

Ўз ишига танқидий қўз билан қараш келгусида ютуқлар учун замин ҳозирлайди. Ҳар бир бошланғич ташкилот, туман кенгашлари жойлардаги муаммоларни ўрганиб, таҳлил этиб, уларнинг ечимини буйича аниқ таклифлар билан чиқмоғи лозим. Айрим БПТ фаолиятида таъсирлиқ, етарлича ташаббус кўрсатмаслик каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Аслида БПТ аҳоли кенг қатлами, электротартиб алоқаларни мустаҳкамлаш, жойларда партиянинг обрўсини ошириш, мавқеини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши зарур.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг бир гуруҳ аъзолари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари билан мулоқотда бўлишди. Шунда жойларда ижро интизоми бўшлиғи кўзга ташланди. Бу депутатлар суст ишлаётгани оқибати, албатта. Бу эса депутатликка элим, юртим, халқим деб чинаямига жон куйдирадиган, курашчан ва фидойи одамлар номзоди кўрсатилишини талаб этади. Назаримда, бошланғич партия ташкилотлари қорхона ва муассасаларда раҳбар ходимларни танлаш, мутахассис ва раҳбарлар захирасини тарбиялаш жараёнларига таъсирни кучайтиришлари керак. Депутатларимиз халқ ҳўжалигининг муҳим масалаларини Кенгаш сессияларида дадил олиб чиқиши даркор. Бусиз маҳаллий дастурлар, муҳим қарорларнинг бажарилишига амалий таъсир кўрсата олмаимиз.

**Олимжон ТҮЙЧИЕВ,**  
«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритувчиси,  
Ўзбекистон Қоҳрамони.

Мен нега ЎзХДПни танладим?

## «ИНСОНИЙЛИК, ЭЗГУЛИК

гояларини Дастурида мужассам этган сиёсий куч сафига қўшилдик».

Яқинда Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи бир гуруҳ ёшлар тахририятимизга ташриф буюрди. Улар партиямиз сафига қўшилган ёш фаоллар эди. Қизиқувчан йигит-қизлар партия фаолиятини чуқур ўрганиб, унинг муассислигида чиқадиган газеталаримиз фаолияти билан ҳам яқиндан танишмоқчи экан. Биз эса фурсатдан фойдаланиб, уларнинг нима сабабдан айнан ХДП сафига кирганликлари, партия дастурий вазифалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Нодира МУРОТОВА,**  
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаси:**

— Бир йилдан буён ушбу партия сафидаман. Мана шу вақт мобайнида кўп нарсаларга эришдим. Сиёсий, ҳуқуқий билимим

ошди, деб ўйлайман. Жамиятда ўз ўрнини топишга интилишим кучайди. Кўплаб дўстлар орттирдим. Мамлакатимизда бўлаётган сиёсий жараёнларга муносабат билдиришда шахсий фикримга эгаман. Буларнинг барчаси партия фаоллари то-

монидан ташкил этиладиган турли тадбирларда иштирок этишим натижасидир. «Ёш сиёсати — 2009» кўрик-танловининг республика босқичида туртинчи ўринни эгалладим. Танловда иштирок этиш орқали билимларимни мустаҳкамладим, кўп изланишлар олиб бордим. Сиёсий, ҳуқуқий дунёқарашим кенгайди. Кейинчалик ўзим ўрганганларим асосида ёшларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни режалаштириб қўйдим.

(Давоми 2-бетда)

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги 30 та депутатлик ўрнидан 19 таси ёки 63 фоизи ХДП аъзоларидан иборат. Кенгаш сессиялари оралиғида фаолият кўрсатувчи 7 та доимий комиссиянинг 6 тасида партиядошларимиз раҳбарлик қилмоқда. Бу катта куч албатта.

## ҚАТЪИЯТ ВА ФАОЛЛИК

орқали ишончини қозониш мумкин

Депутатлар гуруҳи Кенгаш сессияларида ўз фикрларини қатъий ҳимоя этиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришиб келмоқда. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, касаначиликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, депутатлик гуруҳининг саъй-ҳаракати билан шаҳардаги «Ўзал» ва «Наврўз» хусусий маиший хизмат кўрсатиш қорхоналари ҳамда Темир йўл Локомотив депосига бир гуруҳ хотин-қизлар касаначилик асосида ишга жойлаштирилди. Улар тикув машиналари ҳамда хомашё билан таъминланди. Шунингдек, депутатларимиз ташаббуси билан маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 70 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

Лекин электротимиз манфаати билан боғлиқ ҳамма масалалар ҳам қатъиятлилик билан кўтариляпти, деб бўлмайди. Сустраслик, мурасосозлик ҳолатлари ҳамон оз эмаслигини тан олишимиз керак. Баъзан доимий комиссиялар йиғилишларида кўтарилаётган масала муҳокамасига мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг келмаслик ҳоллари учрамоқда. Бундай ҳолатларга чек қўйиш учун депутатларимиз ўз ваколатларида самарали фойдаланишлари керак бўлади.

**Иброҳим ЁҚУБОВ,**  
халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати.

**ҚАБУЛГА КЕЛГАН КИШИ**  
амалий ёрдам олсин

**АХБОРОТ СИЁСАТИ**

**БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ**

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

Сайловлар — кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

**2009 йилнинг декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтadиган сайловлар жамиятимизни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш жараёнлари натижасида эришган муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ва маънавий ютуқларимизни кенг намойён этиши кутилмоқда. Зеро, юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олиб борилаётган изчил демократик ислохотлар тўғрисида замонавий давлатчиликнинг барпо этишининг энг илғор ва самарали йўлларини кўлга киритмоқдамиз. Бу ўринда, аввало, мамлакатимизда демократик институтларнинг тобора мустақамлашиб, тақомиллашиб бораётганини алоҳида эътиборга олиш лозим. Жумладан, сайлов тизими ҳамда унинг ҳуқуқий асослари замонавий демократик талаблар, мезонларга жавоб берадиган даражада янгиланиб бормоқда.**

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда самарали, демократик сайлов тизимининг янада тақомиллашувида муҳим босқич бўлди. Унинг асосида Конституциямизга, шунингдек, амалдаги ўн учта қонунга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида демократиянинг ҳал қилувчи устуни бўлган сиёсий партия, вакиллик демократияси каби институтларнинг ҳуқуқий мақоми ва давлат бошқаруви амалга ошириш жараёнидаги роли, имкониятлари ошди.

Сайлов қонунчилигига қиратишган ўзгаришларнинг маънавий ва аҳамияти шундаки, бундай ўзгаришларнинг самараси ўлароқ мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари муттасил ривожланиб бормоқда. Хусусан, демократик тараққиётнинг ҳал қилувчи кучи

хисобланган сиёсий партияларнинг давлат бошқарувида халқ вакилигини таъминловчи сиёсий институт сифатидаги мақоми ва имкониятларининг оширилаётгани фикримизнинг эркин далилидир. Зеро, сиёсий партиялар ва сайлов тизими демократик жамият ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини ниҳоятда юқори даражадаги аниқликда белгилаб берувчи омиллардир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, жамиятда демократик қадриятларнинг ривожланиши ҳамда демократлашув жараёнлари ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, гоёлари, мафқураси, позициясига боғлиқ.

Замонавий демократиялашув ҳодисаси вакиллик демократиясини имкониятларини янада кенгайтириш ва шу орқали уни давр талабларига жавоб берадиган поғонага олиб чиқишни тақозо этади. Бу вазифанинг ҳал қилиниши эса бевосита демократик рудага сиёсий партиялар фаолиятининг ривожланиши, самарали кўп-партиявийлик тизимининг ҳар томонлама қарор топиши билан бевосита боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов бу ҳақда шундай фикр билдирган эди: **«Модернизи, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак.»**

Сиёсий партиялар ўз моҳияти, вазифаларига қўра, сиёсий жараёнларнинг, бевосита ва етакчи субъектларидан бири хисобланади. Айнан сиёсий партиялар жамият сиёсий ҳаёти ушшоқлигини кучайтириш, ижтимоий қатламлар фаолиятини ошириш, улар ўртасидаги муносабатларнинг демократик моҳиятини шакллантиришда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Жамият ҳаётининг демократик янгиланиши учун сув билан ҳаводек зарур бўлган де-

мократик сиёсий маданиятнинг шакллантирилиши, инсон ва сиёсат ўртасидаги муносабатларнинг мусофифлашувида ҳам сиёсий партияларнинг роли беқийс.

Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар тизимида парламент типидagi электорат партияларнинг шаклланиши ва улар фаолиятининг кучайиши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган ва 2008 йилнинг январь ойидан қура қирган «Давлат бошқаруви янгиланган ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун миллий давлатчиликнинг демократик негизларини мустақамлашда ва мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг демократик янгиланишидаги роли, аҳамиятини юқори поғонага кўтаришда муҳим босқич бўлди. Мазкур қонун сиёсий партияларимизнинг жамият сиёсий тизимидаги мақоми мустақамлаш билан бир қаторда, уларнинг демократиянинг етакчи институти, халқ вакилигини амалда таъминлаш вазифаси, демократик сайловларни амалга оширишнинг фаол субъектлари сифатидаги ўрни янада мустақамлашди. Ушбу қонун асосида сиёсий партияларнинг замонавийлашуви, дастурларида белгиланган сиёсий мўлжалларнинг жамиятимиз тараққиёти манфаатларидан келиб чиқиб қайта қурилиши учун ниҳоятда кенг қамровли имкониятлар очилди. Бундай ҳолат ўз навбатида мамлакатимиз сиёсий партиялари дастурларида мўжассам бўлган сиёсий қадриятлар ва гоёларнинг ҳаётдаги ифодасини таъминлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қила бошлади.

Мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг рол ва аҳамиятини кучайтириш принципи асосида, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштири-

лиши муносабати билан айрим қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани мамлакатимиз сиёсий партиялари мавқеини ошириш жараёнларининг институционаллашуви таъминлаб берди.

Демак, сайловлар янгиланган ва замонавийлашган демократик механизмлар асосида, демократик қадриятлар жамиятимизда янада чуқур илдиз отган шароитда бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайинланган кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияни ишлаб чиққан ва қабул қилган сайловларнинг ташкилий асосларини кафолатли мустақамлашди.

Мазкур ҳужжатда бўлажак сайловларнинг сифат жиҳатдан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилиши алоҳида қайд қилинган. Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий принциплар, вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғимшай ва сўзсиз риоя этилиши таъминлаш, энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик нормаларига қатъий ва оғимшай амал қилиш зарурлиги тўғрисидаги тамойилларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда демократиянинг энг замонавий талабларига жавоб берадиган, ҳуқуқий ҳамда концептуал асослари пухта бўлган, ўз моҳиятига қўра юртимизнинг кучли фуқаролик жамияти тўмон тараққиётида ҳал қилувчи босқич бўлиб хизмат қилувчи сайловларга жиҳдий тайёргарлик қўришда. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши бизнинг нималарга қодирлигимизни бутун жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор кўрсатади.

**Абдурахим МАННОНОВ,**  
филология фанлари доктори,  
**Улугбек ИДРИВ,**  
сиёсий фанлар доктори.

## ЎЗХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

Биз борган куни Галлаорол туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида партияимиз фаоли, туман Кенгаши депутати, Гафур Фулом номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳор Жумабова навбатчилик қилаётган экан. У киши билан қабулхонада бошланган суҳбатимиз ЎЗХДП жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш ташаббуси ва унинг аҳамиятига бориб тақалди.

— Қабулхоналар фаолияти мавсумий тадбир эмас, балки партияимиз дастурий ҳужжатларини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бирига айланди. Қаердаки, бу ишга партияимиз обрўси, таъсир доирасини ошириш воситаси сифатида муносабатда бўлинса, ўша ерда электоратимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш қўлимиздан келишига ишонади, ўзларини уйлантирган масалалар юзасидан ҳуқуқий ва



## ҚАБУЛГА КЕЛГАН КИШИ амалий ёрдам олсин

амалий ёрдам олиш учун қабулхоналаримизга мурожаат қилишади.

Суҳбатимиз шу жойда бўлинди. Этиш очилиб, қабулхонага бир киши кириб келди ва ўзини Маржонбулоқ посёлкасида яшовчи Маҳмуд Хайдаров, деб таништирди. У ногирон қизи Мафтуна Нурбоевага ногиронлик аравачаси олиш ва тиббий муолажа кўрсатишни таъминлаш бўйича ёрдам сўради. Навбатчи мурожаатни тегишли тартибда дафтарга қайд этди ва унга албатта кўмак беришга ҳаракат қилишини айтди. Фуқаро миннатдорлик билдириб чиқиб кетган, суҳбатимиз давом этди.

— Одатда биз бундай мурожаатларда кўтарилган масалаларни тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, партияимизнинг ижтимоий ҳамкорлари, хомийлар кўмагида ҳал этишга ҳаракат қиламиз, — деди Баҳор Жумабова. — Бу масала ўз ечимини топишига ишонаман. Тўғри, партияимизнинг маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг кундалик фаолиятида аҳоли, хусусан, электоратимиз вакиллар орасида фуқаролик маърифатини шакллантиришнинг айрим кўринишлари олдин ҳам бор эди. Аммо, булар етарли эмас эди. Аҳоли, хайрихоҳлар, электорат ўртасида партия дастурий мақсадлари, унинг позицияси, фуқаролик маърифат, ҳозирги замон демократиясини тўғри англаш ва шаклланаётган фуқаролик жамияти-

да ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш устида янаям кўпроқ ишлагга зарурат сезилаётганди. Жамоатчилик қабулхоналари эса бу муҳим, у номга ташкил этилмаган. Туман кенгаши шу тузилма орқали одамлар ташвишини, жойлардаги муаммоларни ўрганмоқда, фуқароларнинг оз бўлса-да, оғирини енгил, мушкулени осон қилишнинг йўли-йўриқларини излаётди.

— Одамлар умид ва ишонч билан келишади, — дейди ЎЗХДП Галлаорол туман кенгаши раиси Бурхон Темиров. — Ўз навбатида биз ҳам ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмаслик ҳаракатидамиз. Шу орқали туманимиздаги ижтимоий вазиятнинг тахлилини ҳам юритаямиз. Бу эса халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимизга турли масалаларни сессиялар учун ҳоқамасига олиб чиқиши учун қўл келади. Энди биз кўтарилган масалани фақат ҳал қилиш билан чекланмасдан, шундай муаммолар бошқа жойларда ҳам учрашини эътиборга олиб, уларни туман миқёсида комплекс ҳал этиш чораларини изламоқдамиз.

— Бир ой муқаддам сизларга мурожаат этиб, моддий ва маънавий кўмак сўраган эдик. Бугун бизга ҳар томонлама ёрдамни ташкил этиб, кўнгилларимизни кўтарганингиз, далад бўлганингиз учун жамоамиз номидан миннатдорлик билдиргани келдим, — деди у.

Маълум бўлишича, партиянинг туман кенгаши бош қўшганидан сўнг жамиятнинг туман бўлимига хомийлар томонидан турли мебеллар, стол-стулар, гилам ва поён-поянчи совға қилинган, каттагина китоб фондига эга кутубхона очиб берилган.

— Кўриб турганингиздай, қабулхонаимизга ҳар куни одамлар келиб туришибди, — дея суҳбатимизни давом эттирди навбатчи. — Ўтган ўн ойда тушган мурожаатнинг аксарияти ижобий ечим топди. Бир қисми эса бироз чигал, бошқа ташкилотларнинг аралашуви зарур бўлган масалалар бўлган учун ечими бироз қийин кечмоқда. Аммо, уларни ҳам ҳал этишга ҳаракат қилаёямиз.

Жамоатчилик қабулхонасида

Иброҳим ЖОНУЗОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Суратда: Жамоатчилик қабулхонаси навбатчиси Меҳринисо Қосимова қабулхонага келган фуқаро билан суҳбатлашмоқда.

Донотул Жўраева олган сурат

## ИЛДИЗИ МУСТАҲКАМ ДАРАХТ ГУРКИРАБ ЯШНАЙДИ

— Ҳар гал марказий шифохона БПТ раиси Собиржон Каримов билан суҳбатлашганимда кўнглим тоғдек кўтарилади, ўзимда қўшимча куч сезаман, руҳим тегишлайди, — дейди Варзак қишлоқ врачлик пункти мудири Манзурахон Собирова. — Била-сизми, у сайловларга бағишланган йиғилишимизда нима деди: «ЎЗХДП учун сайлов яна бир синов, биз бундай синовлардан кўп бор ўтган, ўз гоёси учун изчил курашаётган партияимиз». Шу кунги ўз ҳудудимиздаги партиядошларимизга бу гапларни завқланиб этакдим. Сафдошларини мақсад сари ишонч билан етаклай билиш партия етакчисининг фазилатларидан бири бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз Собиржоннинг атрофида ҳамжиҳатимиз.



Тошлоқ туманида ЎЗХДПнинг 41 та бошланғич ташкилоти бор. Аммо, Собиржон Каримов бошчилигидаги БПТ ҳар жиҳатдан ажралаб туради. У 382 нафар ЎЗХДП аъзосини биллаштирган. БПТ муҳим масалаларни қамраб олган иш режаси ва тадбирлар дастурига эга.

— Бошланғич партия ташкилоти сиёсий партиянинг илдизидир, — дейди Собиржон. Илдизи мустаҳкам дарахт гуркираб яшайди. Илдизи қанчалик соғлом, бакуват бўлса, сиёсий партия ҳам ўз олдига қўйган мақсадларга албатта эришади. Партиянинг кучкуватли БПТ фаолиятига бевосита боғлиқ.

Собиржон айтган сўзи ва қилаётган иши бир инсонлардан. У электорат манфаати учун турли ташаббуслар билан чиқиб, ўз

фаолияти билан партия обрўси, таъсирини оширишга ҳаракат қилмоқда.

БПТ ЎЗХДП дастурий гоёларини кенг тарғиб қилишнинг ўзига хос усулини қўлади. Яъни, атрофида биллашган оила шифокорлари, ҳамширалар орқали хонадонларда даволаш билан бирга, партиянинг мақсади ва вазифаси, амалга оширилаётган ишлари ҳақида суҳбатлар уюштириб, хайрихоҳларни аниқлади. Кейинчилик бу кишиларни партия тадбирларига таклиф қилиди. Партия дастурини қўлаб-қуваатлашга қарор қилиб, мурожаат қилганларни эса синов муддатидан сўнг ЎЗХДП аъзоллигига тавсия этдилар. Шу тариқа 1991 йилда 11 кишидан иборат бўлган БПТ бўғунга келиб, 382 аъзога эга.

Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашига БПТ-

да жиҳтлашган фаолларнинг 3 нафари депутат этиб сайланган. Улар туман Кенгаши сессияларида, доимий комиссия йиғилишларида партия гоёларига таянган ҳолда, аҳоли саломатлигини сақлаш, кам таъминланган оила аъзоларига малакали тиббий хизматни бепул таклиф этиш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш каби масалаларда таклиф ва мулоҳазалар билан қатнашиб келмоқдалар.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятини партия электорати орасида кенг тарғиб қилдилар. Қишлоқ аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг тиббий маданияти савабдорлигини ошириш борасида БПТ ўз тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

Собиржон Каримов, мана, 18 йилдирки, партия етакчиларидан бири. Унинг тажрибаси катта. Сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги мавқеи мустақамлашган бораётганидан янада руҳланиб, бир фикрни такрор-такрор айтишдан чарчамайди: — Пировард мақсадимиз давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидан кўнглик ўринларни эгаллаш экан, биз БПТни янада мустақамлашшимиз керак. Ташкилий, мафқуравий, сиёсий нукта-назардан кучли, ташаббускор бошланғич ташкилотларга таянган партиягина ҳақиқий сиёсий кучга айлана олади.

**Муҳаммадjon ОБИДОВ**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.  
Сурат муаллифи Муқимжон ҚОДИРОВ



## «ИНСОНИЙЛИК, ЭЗГУЛИК

гояларини Дастурида мўжассам этган сиёсий куч сафига қўшилди».

Исматилла ФАЙБУЛЛАЕВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг олий мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишининг моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун имкониятлар яратишдан иборат. Шунингдек, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шафли, қадр-қиммати, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилиш вазифалари партия дастурида белгиланган. Мен ҳам айнан шу умуминсоний тамойиллар асосида партия сафига халққа хизмат қилмоқчиман. Ке-

лажакда архитектор бўлиб болалиқдан орзуми. Таълим даргоҳида касб сир-асрорларини ўргансам, партиявий тадбирларда иштирок этиб, фаол фуқаролик позициясини шакллантирмоқчиман.

**Санобар КОМИЛЖОНОВА,** «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзоси:

— Биз партия фаоллари билан биргаликда турли анжуманлар, дебат, давра суҳбатлари ташкил этиб, депутатлар, қаҳрамонлар билан учрашувлар ўтказиб келамиз. Улар орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятимизда бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришлардан хабардор бўлиб борамиз. Мазкур клуб тадбирларида мун-

тазам иштирок этиб, ЎЗХДПга ишончим ортди, унинг дастурий вазифалари ва мақсадлари билан яқиндан танишдим. Унинг инсонни маънавий покликка, эзгулик, ҳалоллик, юксак маънавиятнинг шакллантиришга ундайдиган гоёлари мени бу партияга бўлган ихлосимни орттирган.

**Маҳмудхўжа ПўЛАТ-ХУҲАЕВ,** «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— 2008 йил октябр ойида туман партия кенгашида ёшлар билан учрашувда биринчи бор иштирок этдим. Тадбирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ташриф буюришди. Биз ёшлар партиянинг дастурий гоёлари юзасидан уларга

## Мен нега ЎЗХДПни танладим?

саволлар билан мурожаат қилдик. Депутатлар саволларимизга ўз фаолиятлари мисолида жавоб бердилар. Шу жонли мулоқот сабаб мен ЎЗХДПга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Партия дастурида ёшларга алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг демократик асосда биллашшиларига имкон берадиган ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, ўсиб келаётган ав-

да ҳам бу борада муайян вазифалар белгиланган. «Истиқбол» ёшлар қаноти ўтган давр мобайнида партияимиз дастурида белгиланган гоёларни, устувор вазифаларни амалга оширишда ёшларнинг иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда турли тадбирлар, ноанъанавий ўқув семинарлар, очик давра суҳбатлари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, партияимизда аёнага айланб қолган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Кўпчилик ёшлар мана шундай тадбирларда иштирок этганларидан сўнг ЎЗХДПга аъзо бўлишга истак билдиришади.

Уларга партияга аъзо бўлишдан олдин бошқа партиялар дастурулари билан ҳам батафсил танишиб чиқишни тавсия этамиз. Ушбу партиянинг ўз ижтимоий сиёсатини белгилашда аҳолининг юксак даражада ижтимоий ҳимояланганлиги, турмуш фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг ишончли пойдевори эканлигини келиб чиқиши бунинг моҳиятини тушуниб етган кўпчилик йигит-қизларга маъқул бўлади.

Уларга партияга аъзо бўлишдан олдин бошқа партиялар дастурулари билан ҳам батафсил танишиб чиқишни тавсия этамиз. Ушбу партиянинг ўз ижтимоий сиёсатини белгилашда аҳолининг юксак даражада ижтимоий ҳимояланганлиги, турмуш фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг ишончли пойдевори эканлигини келиб чиқиши бунинг моҳиятини тушуниб етган кўпчилик йигит-қизларга маъқул бўлади.

**Сардорбек ДЎСМУҲАММЕДОВ,** туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси: — Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, фаолигини ошириш, сиёсий билимларини мустақамлашда партияларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ХДП Дастури-

Гулрўх ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.  
Абдвисо ХАЙДАРОВ олган сурат

# АХБОРОТ СИЁСАТИ

## Долзарб мавзу

**Бугун жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёни одамларнинг ахборот олишга бўлган талабини оширмоқда. Қайси кўринишда бўлишидан, қандай мақсадга хизмат қилишидан қатъи назар, ахборот ва уни etkazувчи воситаларнинг бозори чаққонлашган. Дунёнинг айрим давлатлари эса ўз мақсадларига хизмат қиладиган ахборот — товарни тарқатмоқда, «истеъмолчи мамлакатларга» зўр бериб «экспорт» қилмоқда. Бу хатти-ҳаракатлар тобора мафҳуравий — гоёвий тус ола бошлади. Оқибатда жаҳон жамоатчилигини холис, ҳаққоний, энг муҳими, воқеликка асосланган ахборот билан таъминлаш масаласи ўтқир муаммога айланди.**

### МУСТАҚИЛ ФИКР, МУСТАҲҚАМ ФИКР

Бугун тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишни истаган мамлакат, ўзлигини асраб қолишни хоҳлаган миллат борки, ўсиб келаятган ёш авлод онгини турли кўринишдаги таъжуб ва таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим курашга бел боғлаган. Ўз-ўзидан, ушбу вазиятда энг катта масъуляти оммавий ахборот воситалари зиммасига юклатилади. Зеро, ҳар қандай ахборотни яратиш, синтезлаш, тарқатиш ва бошқариш ОАВ га хос.


ОАВ ҳар қандай масалага мамлакат манфаатидан келиб чиқиб қарашни, фуқароларга асл ҳақиқатни аёнлаштириш зарур. Бугина эмас, ҳозирги таҳликали замонда ахборот хуружларига нисбатан тезкор жавоб қайтариш вазифаси ҳам айнан мазкур соҳа зиммасидадир.

Президентимиз «Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш» номли рисоласида қайд этганидек: **Шундай мураккаб ва қалтис вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимларидан аввало ҳали ҳаётий таърибаси етарли бўлмаган, онгу тафаккури, ахлоқий қарашлари эндигина шаклланиб келаятган ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериш талаб этилади.**

Бу ўринда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг туб негизини ўғил-қизларимизга etkazиш, ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини уйғотиш, мамлакат, халқ тақдирини билан боғлиқ масалаларга дахлдорлик ҳиссини, фуқаролик позициясини шакллантириш оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифасидир.

Ушбу ҳолатда ОАВ ёшларимизни турли бало-қазолардан асраш, ҳеч қимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга ўз хиссасини қўшиши зарур. Миллат йўлбошчиси таъкидлаганидек, ёшларимиз эртанги кун бизники, марра бизники деган сўзлар-

ни қалбларига муҳраб олиб, ўзларининг мустақил фикри, мустаҳкам фикрига эга бўлмоқлари керак.



### ЎЗБЕКISTON VA ЯНА ЎЗБЕКISTON MANFAATI

Мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир ахборот воситаси халқимиз ҳаётида ўзига хос ўрин тутаяди ва ўз йўналиши, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унга мақсадли маълумотларни тақдим этади. Бунда телевидение, радио, босма нашр, веб-сайтлар — барчасининг вазифаси битта: халқимизни холис ахборот билан қуроллантириш.

Бу ташаббуслар нафақат ижтимоий-сиёсий ахборот воситалари, балки бугунги кунда «кўнгулчор» деб атаётган хусусий нашрлар, FM радиоканалларига ҳам бирдай дахлдордир. Чунки уларнинг ҳар бири Ўзбекистон манфаати, Ўзбекистон сиёсати, унинг аҳолиси талаб ва эhti-ёлларидан келиб чиққан ҳолда таъсис этилган. Шундай экан, улар тақдим эта-

ётган ахборотларда Ўзбекистон ва яна Ўзбекистон манфаатлари бош мақсад бўлиши керак.

Шу ўринда ахборот берувчи журналист, у мансуб бўлган нашр ўз позициясига эга бўлиши муҳимлигини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Кимнингдир қўлидаги кўгирчоққа айланмасдан, бировларнинг аравасига миниб, ўргатилган қўшиқни тўтиқушдек такрорламасдан, ҳар бир масалага виждонан ёндашиб, холислик тамойилига таяниб фикр юритиш, адолатли ахборот тарқатиш, Ватан ва Миллат нуктаи назарини ифода этиш бугунга келиб ОАВ учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат тарафдори, жаҳондаги барча мамлакатлар билан тинчлик йўлида, ўзаро тенг ҳуқуқли шерикчиликка асосланган ҳамкорликни йўлга қўйишга доимо тайёр. Ўзбекистон минтақادا ва жаҳонда тинчликни бузиш, осойишта ҳаётни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар билан мутлақо келиши олмайди ва улар билан ўзаро ҳамкорликка киришмайди. Ўзбекистон бошқа мамлакатларнинг бевосита Ўзбекистонга дахли бўлмаган ички ишларига аралашмайди ва четдан туриб Ўзбекистоннинг ишларига аралашувга ҳам муҳтож эмас. Оммавий ахборот воситалари халқро майдондаги воқеа-ҳодисаларга ҳам айнан шу мезонлар асосида ёндашиш талаб этилади.

### СОҒЛОМ АХБОРОТ ЭХТИЁЖИ

Бугун мамлакатимизда барча турдаги оммавий ахборот воситалари демократик принциплар асосида ривожланмоқда. Уларнинг фаолиятига ноксонунинг аралашуви йўл қўйилмайди. Аммо бундай имконият ва эркинликни айрим нашрларимиз нотўғри тушуномқда. Назаримизда, улар ўзининг жамият олдидаги масъулятини унутиб қўймоқда. Ёт гоёларни, «оммавий маданият» унсурларини тушуно-тушунмай тарғиб қилмоқда. Бу ўринда ушбу нашрларнинг ўз олдида қўйган мақсад-вазифалари қаерда қолди, деган савол туғилиши табиий.

ОАВ — сиёсий қурол. У кимнинг қўлида бўлса, ўшанга хизмат қилади. Масаланинг шу жиҳати ҳақида Президентимизнинг: **шунинг унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзimas бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламида глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайди, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган зиён etkazиши мумкин.** — деган фикри ёдимизга тушади.

Яна бир тоифа нашрлар саҳифаларини эса ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотлар ўрнига олди-қочди, сенсация руҳидаги, санъаткорлар маиший ҳаёти, бадавлат шахслар қилмиш-қилдиришига доир материаллар эгаллаб олаётганини қандай тушуниш мумкин!

Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз. «7 мўъжиза» сирли ҳодисаларга бағишланган газетанинг 2-8 апрель сони муқовасида: «Улиқхона-

да тирилган аёл», «Ўз юртига қайтган тобут», «Чимилдиқда жинни бўлганлар...», «Қизларини ўлдирган Она» каби сарлавҳалар берилган. Бизнингча ушбу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Мазкур ҳолат, таъбир жоиз бўлса, камчиликдан электрон ахборот воситалари ҳам мустасно эмас. Мамлакатимизда бўлаётган кенг қўламли ўзгаришлар, янгиликлар оҳиятини таҳлил этиб, таъсирчан усулда одамлар онига etkazиш ўрнига енгил-елпи мақола, кўрсатувлар ҳам давом этмоқда. Замонамиз қаҳрамонлари, бугунги куннинг фидойи инсонлари ҳақида кўпроқ тарғибот қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

### ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

ОАВнинг сиёсий функцияси ҳақида сўз борганда, веб-сайтлар фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Интернетнинг қидирув сайтига кириб, «Ўзбекистон» сўзини терсангиз, юртимиз ҳақидаги ҳар хил бўҳтонларга кўзингиз тушади. Наҳотки, шундай хуружларга қарама-қарши «Ўзбекистон ёшлари жаҳон чемпиони бўлди», «Ўзбекистонлик ўқувчилар халқро фан олимпиадасида олтин медални қўлга киритди», «Ўзбекистонда мустақиллик байрами», «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» катта тантана қилинди, деган хабарлар тарқатилмайди?! Нима учун айрим хонандаларнинг исми ёзилган «калит» сўزلардан исталганча маълумот олиш мумкин, буюк алломуларимиз, атоқли олимларимиз, маънавиятимиз фидойилари тўғрисида маълумот йўқ, борлари ҳам ғариб?

Ўзбекистонимизнинг дунёга кўз-кўз қиладиган буюк ўтмиши, бугунги ҳаёти бор. Айни шу жабҳаларни ўз ичига олувчи ўнлаб маданий-маърифий муассасалар — вазирликлар, музейлар, театр, кино саройлари, мактаб, олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Барчасида кунда бўлмаса кунора бирор янгилик бўлади. Аммо афсуски, бу жараён етарлича ўз ифодасини топмапти. Бу борада бир неча ҳукумат қарор ва дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётганига қарамай, мазкур соҳа жуда секинлик билан ривожланмоқда. (Албатта, айрим ҳукумат порталлари ва шоу-бизнес сайтларини ҳисобга олмаганда!) Аммо афсуски, Ўзбекистон ҳаёти давлатимиз олиб бораётган сиёсатга қаратилган ахборот хуружлари айнан интернет сайтлари орқали уюштирилмоқда.


Бугун халқимиз муҳим жараён — сайловлар арафасида турибди. Бу мамлакатимиздаги энг катта сиёсий тадбирдир. Демак, шу кунларда бутун жаҳон оммасининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган. Уларнинг ичида бизга хайрихоҳ бўлганлар қатори бўлажак сайловларимиз тўғрисида бутун оламга ноҳолис ахборот билан айвононос солишни режалаштираётган кучлар ҳам бор, албатта.

Сайловлар ва мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларни кенг ёритиш, тарғиб қилиш, қонунчилигимиздаги янгиликларни одамларга etkazиш нафақат марказий нашрлар, давлат телерадиоканалларининг, балки барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг энг асосий бурчи, вазифасига айланмоғи зарур.

Зотан, бугуннинг талаби шу. Ўзбекистон ҳақида Ўзбекистон ОАВлари етарлича ахборот беролмас экан, бу бўшлиқни четдан туриб инфомакцияни «экспорт» қилаётганлар тўлдиршига уриниш табиий.

Бугун эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Жасур ҲУСАНОВ



### КУТИЛГАН КЎРСАТКИЧЛАР

бошқача эди, аммо...

АҚШда ишсизлик кучайиб бормоқда. Октябрь ойи натижаларига кўра, ишсизлик даражаси 10,2 фоизга етди. Бу кўрсаткич сентябрь ойига нисбатан 0,4 фоиз қўллар. Ачинарлиси шуки, бу 1983 йилдаги ёки 1930 йилдаги буюк инкироз даври кўрсаткичларидан ҳам юқоридир.




Америка Меҳнат вазирлиги маълумотларида қайд этилишича, октябрь ойида мамлакатда 190 мингта иш ўрни қисқарган. Буни соҳалар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси 61 мингта, қурилиш соҳаси эса 62 мингта иш ўрнидан айрилди. Молия соҳасида ҳам 8 минг иш ўрни қисқартирилди. Аслида эксперт-таҳлилчилар ишсизлик даражасининг ўсишини бошқача баҳорат этгандилар. «Bloomberg» нашри баён қилишича, таҳлилчилар октябрь ойида 175 мингта иш ўрни қисқаришини тахмин қилгандилар. Лекин гап бошқа, ҳаёт бошқа эканлигини октябрь ойи натижалари кўрсатиб турибди.

### КЎРИЛГАН ЗАРАР МИҚДОРИ

ортиб бормоқда

Буюк Британиянинг йирик «British Airways» авиакомпанияси жаҳон инқирозининг иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий зарарини камайтириш мақсадида 1200 та иш ўрнини қисқартиришни мўлжаллаётгани ҳақида хабар қилди.



«BBC News» ахборотида қайд этилишича, 2010 йил март ойига 4900 ходим ишдан бўшатилди.

Авиакомпания маъмурияти, шунингдек, биринчи ярим йиллик натижаларини эълон қилди. Маълум бўлишича, биринчи 6 ойликда авиакомпания 292 миллион фунт стерлинг (485 миллион доллар) миқдорда зарар кўрган. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида авиакомпания за-

рар билан эмас, балки 52 миллион фунт стерлинг фойда билан чиққан эди. Авиакомпания бош директори Уилли Уолшинг айтишича, 2009 йил авиакомпания тарихида энг оғир йил бўлди. Жорий йилнинг ўзида бир неча бор инқирозга қарши чоралар қўлашга тўғри келди. Яъни йирик «Airbus F-380» аэробусини сотиб олишни бекор қилди, 2010 йилда «Boeing-757» самолётлари парвоздан воз кечмоқчи, биринчи жорий йил июнда авиакомпания маъмурияти компания ходимларидан бир ҳафта давомида текинга ишлаб беришларини илтимос қилди.

Умуман олганда, жаҳон иқтисодий инқирозидан жаҳон авиацияси энг кўп зарар кўрди. Халқро ҳаво транспорти ассоциациясининг тахмин қилишича, жорий йилда жаҳон авиацияси кўрган зарар 11 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

### 40 МИНГДАН Ортиқ КИШИ

бошпанасиз қолди

Кариб денгизининг жануби-ғарбий қисмида юзага келган «Ида» денгиз пўртанаси аста кучайиб кучли довулга айланди ва тўфон даражасига етиб Никарагуа қирғоқларига ёпирилди. Натижада 40 мингдан ортиқ одам бошпанасиз қолди. Айниқса, Каравала ва Барра де Рио Гранде аҳоли манзиллари катта зарар кўрди. Бу манзиллардаги турар-жой бинолари ва иншоотларнинг 80 фоизи вайронга айланди. Электр узатиш тармоқлари ва телефон линиялари яқсон бўлди.

Тўфон марказида шамолининг тезлиги соатига 120 километрга етди.

Никарагуа фуқаро мудофааси бошлиғи, генерал Марио Перескасарнинг айтишича, дейилди «Новости» АА хабарига, табиий офат тўфайли қўрилган зарар бир неча ўн миллион долларни ташкил этади.

ИТАР-ТАСС ахборотида қайд этилишича, Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс ҳудуди ҳам табиий офатдан катта зарар кўрди. Уч кундан бери тинимсиз ёққан жала тўфайли 5 миңдан ортиқ одамнинг ташки олам билан алоқаси бутунлай узилиб қолди. Кофс-Харбор, Дарквуд, Бовравилл, Лисмор, Тора ва Беллингтон туманларида, айниқса, кучли тошқин юзага келди. Беллингтон, Намбука ва Каланг дарёлари сатҳи кўтарилиб, ўзанига сиймай тошиб кетди.

Синоптикларнинг хабар қилишларича, ноқулай об-ҳаво яна бир неча кун сақланиб туради.



### Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## ТАРОВАТЛИ ҚИШЛОҚ

Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғи ўзгача чирой очди. Маҳаллалару хонадонлар ободлиги қишлоқ кўрмига кўрк қўшди. Равон йўлларнинг икки томонида қад ростлаган қўшқаватли иморатлар, коллеж ва мактаблар, спорт мажмуио савдо маркази кўрганларнинг ҳавасини келтираяпти.

Дардоқнинг бугунги кўринишини шаҳарчага қиёсла-гулик Марказдаги мўъжаз бозор, оталар чойхонаси, миллий кураш майдони кексалару ёшларнинг хизматиди. Саҳоватпеша кишилар замонавий биноларни бунёд этишяпти. Дилмурод Қосимов тиклаган оталар чойхонасида нуронийлар гуруҳини давом этса, Раҳмоннали Юнусов обод қилган «Жаннат бўлоғи» дам олиш масканида одамлар хордиқ чиқаряпти.

Қишлоқда қад ростлаган транспорт ва саннат касб-хунар коллежи замонавий ҳамда миллий меъморчилик усули уйғунлиги билан

қишини хурсанд этади. 650 ўринли бу коллежда дардоқлик ёшлар билан бир қаторда тумanning бошқа қишлоқларидан келган йигит-қизлар билим ва ҳунар ўрганишяпти. Қишлоқ врачлик пункти шифокорлари аҳолига малакали табиий хизмат кўрсатмоқда.

— Қишлоғимизда ибратли хонадонлар кўп, — дейди Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурах-

мон Тожимаматов. — Муҳаммадамин ва Шарофатхон Жумабоевалар оиласи бунга мисолдир. Муҳаммадамин ва Шарофатхонларнинг ўғли Шодилбекни яқинда уйлантиришди. Ибратли хонадоннинг файзу таровати янада ошди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратда: маҳалла гузарини. Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

### ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## ФИЛИАЛ ТШТ «УЗБЕКТЕЛЕКОМ»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Отделка фасадов АТС-245, расположенной на массиве «Бешагач» в г. Ташкенте. Филиал ТШТ «Узбектелеком». Стартовая стоимость заказчика: 110 584 350 сум с учетом НДС). Срок завершения строительства — 60 дней. Заказчик: ФИЛИАЛ ТШТ «УЗБЕКТЕЛЕКОМ», расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. Шевченко, 17.

Финансирование осуществляется за счет: собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных торгов с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законода-

тельством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — ООО «Экспертлои-хаконалдинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навоий, 22.


Стоимость одного комплекта конкурсной документации: сто тысяч сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навоий, 22. Тел.: 8(371) 241-37-50.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по ниже указанному адресу:

г. Ташкент, ул. Навоий, 22. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании

Филиала ТШТ «УЗБЕКТЕЛЕКОМ», по адресу: г. Ташкент, ул. Шевченко, 17.

**Баркамол авлод орзуси**



Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйида юздан зиёд ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Уларга 24 нафар тарбиячи, 4 нафар ўқувчи ҳам устоз, ҳам ота-она. Бошланғич синф ўқувчилари шу ернинг ўзида ўқшади. Фан, иккита компьютер, дам олиш хоналари, ётоқхона, 8627 та китоб фондига эга кутубхона, спорт зали, кино-концерт клуби, қишлоқ-ёни ишлайдиган бассейн тарбияланувчилар ихстиёрида. Катта ёшли болалар эса шаҳардаги 65-, 71-мактабларнинг юқори синфларида таълим олишади. Жорий йилда 21 нафар битирувчи академик лицей ва касб-хунар коллежлари-га ўқшга қабул қилindi.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларни мушакил ҳаётга ўргатиб бориш мақсадида 20 тадан кўпроқ тўғарақлар ташкил этилган. Болалар ўзларининг қизиқишларига қараб, хоҳлаган тўғарақларига қатнашиб кўшимча билим олоқдалар, хунар ўрганмоқдалар. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Эркин Тоғаев раҳбарлигида ташкил қилинган миллий чолғу ансамблига 30 нафар иқтидорли ўғил-қиз қатнашди. Ойсулов Жақ-

сибоева раҳбарлик қилаётган синхрон сузиш тўғарағида ҳам 30 нафардан кўпроқ қиз шугулланыпти. Қизларнинг касб-хунари бўлишига Меҳрибон Абдиқодирова раҳбарлик қилаётган «Олтин ип» тикувчилик, Дилафруз Алла-

минова раҳбарлигида «Гўзаллик салони» тўғарақлари ёрдам бераёпти. Шу тўғарақларнинг ҳар бирига 20 нафардан қиз жалб қилинган бўлиб, соч турмақлаш, бичиш-тикиш сирларини ўрганмоқдалар. Булардан ташқари, каштачилик, пазандачилик, рассомчилик тўғарақлари ишлаб турибди. Шифокор Саида Мадаминованинг айтишича,

**Сен ёлғиз эмассан!**

ларнинг ҳаммаси спорт билан шугулланади. Бу ерда ўн та спорт секцияси ишлаб турибди. Кикбоксинг, миллий кураш, футбол, кўл тўпи, теннис, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, сузиш каби спорт турларига ўғил-қизларнинг қизиқишлари юқори.

— Бизнинг саховатпеша бир эътибори болаларимиз кўнглини ўстираёпти. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда Меҳрибонлик уйи жамоаси ёрдамчи хўжайлик фаолиятини янада яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланишди. Улар бу йил дарс-машғулотлардан бундай пайтларида сабзавот, полиз, мева ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўдилар.

Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар ўқишни муваффақиятли тамомлаб, катта бўлса шифокор, ўқитувчи, агроном, юрист, хуллас, Ватанга фойдаси тегадиган касбни эгаллайман деган эзгу орзу билан яшамоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қаршидаги 2-ихтисослаштирилган мактабгача ва умумтаълим мактаб-интернатида 1314 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олоқда.

Бу ерда ишлаётган малакали педагоглар дарсларни замонавий услублар асосида олиб бормоқда. Шу боис ушбу даргоҳда билим олган ўқувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртиларида ўқишга муваффақ бўлмоқда. Ўтган ўқув йилида ушбу мактаб интернати 11-синфини 43 нафар ўқувчи муваффақиятли битирди. Аини кунда уларнинг саккиз нафари халқаро, 32 нафари мамлакатимиз олий ўқув юртиларида таҳсил олоқда.

Суратларда: илм маскани ҳаётидан лавҳалар

Шомурод Шаропов (ЎЗА) олган суратлар.

**ЁРУФ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ**

Жорий йилнинг 26 октябрь — 8 ноябрь кунлари Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ўтказилган Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон спорт делегацияси мамлакатимизга ёруф юз билан қайтди.

Хамюртларимиз кураш, енгил атлетика, сузиш, муайтай, пенчак-силат, шахмат, компьютер ўйинлари ва футбол бўйича бешта олтин, тўққизта кумуш ва ўн та бронза, жами йигирма тўртта медал жамғарди.

— Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида илк мартаба ташкил этилган кураш мусобақасининг биринчи олтин медали билан тақдирланганимдан фахрланаман, — дейди Шароф Холмаматов. — Халқаро майдонда эришаётган ютуқларимиз, шубҳасиз, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишимиз, спорт билан мунтазам шугулланиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар бўлишимиз учун қаратилаётган эътибор ва ғам-хўрликнинг самарасидир.

Тошкент халқаро аэропортида нуфузли халқаро мусобақа иштирокчиларини вазирилик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари тантанали кутиб олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА мухбири.

**БЕШ ДЕБЮТАНТ**

14 ноябрь куни 2011 йили Қатарда бўладиган Осиё кубоғи саралаш учрашувлари ўтказилади. Шу куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентда Малайзия футболчиларига қарши майдонга чиқишади.

Миржалол Қосимов ушбу муҳим учрашув олдидан ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинига 23 нафар футболчини жалб этишни режалаштирган. Ўзбекистон футбол федерациясидан олинган маълумотларга қараганда, улар орасида беш нафар футболчи илк мартаба терма жамоа номзодлари рўйхатидан жой олган. Булар дарвозабон Санжар Қувватов («Машъал» Муборак), ҳимо-


ячилар Александр Ковалёв («Металлург» Бекобод), Мурод Холмухамедов («Пахтакор» Тошкент), ярим ҳимоячи Зоҳир Пиримов («Олмалик» Бекобод), ҳужумчи Лочинбек Солиев («Бухоро»лардир. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Малайзия терма жамоалари учрашуви 14 ноябрь куни пойтахтимиздаги «Жар» стадионида бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА»!**

Бу газеталар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашрлари, унинг мамлакат ва дунё сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ўзгаришларни кўражақ зинирак кўзи, оммавий ахборот воситалари деб аталмиш майдонда партия-миз, партиядошларимиз ва электоратимиз манфаатларини ифода этувчи сўзидир.

Азиз партиядош, қадри газетхон!



Обуна — 2010

Сиз учун фикрдош, мададор ва садоқатли дўст бўлиб қолган газеталаримизга 2010 йил учун обуна давом этилапти. Обунани «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК барча бўлимларида расмийлаштиришингиз мумкин.

«Ўзбекистон овози» газетасининг обуна индекси — 220.

«Голос Узбекистана» газетасининг обуна индекси — 120.

**«Янги авлод — 2009»**

**ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ**

Самарқанд шаҳрида «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мажмур танлов истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

— Танловга болаларнинг қизиқиши йилдан-йил ортиб бормоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти бўлими кенгаши раиси ўринбосари Наврўз Маҳкамов. — Бу йил танловнинг вилоят босқичида минг нафарга яқин ўғил-қиз мумтоз ашула, вокал, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, рақс, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод йўналишларида иқтидор ва салоҳиятини синовдан ўтказди. Адабиёт, санъат соҳаларида тақдим этилган ижодий ишлар ҳам муносиб баҳоланди. Тадбирда ҳар бир йўналиш бўйича голиблар аниқланиб, улар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

**ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

2010 йилги дастур асосида қўйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Соатов кўчасидаги 795 ўқувчи ўринли академик лицей учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 741479380 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 617899483 сўм.

Қурилиш муддати — 210 кун.

Лот 1-1: Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Юрчи қўрғонидаги 720 ўқувчи ўринли академик лицей учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 762287165 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 635239304 сўм.

Қурилиш муддати — 210 кун.

Лот 1-2: Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Минор ҚФЙдаги 435 ўқувчи ўринли 5-сонли академик лицей учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 688732049 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 573943374 сўм.

Қурилиш муддати — 210 кун.

Буюртмачи: Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси. Манзили: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Зий (аввалги, А.Саидов) кўчаси, 76-уй. Тел/факс: (8-371) 227-11-84, 246-18-79.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — давлат бюджетидан маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор қуйидаги шартларга жавоб беришга керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий им-

кониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт

қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектури» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти

ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мувожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темура кўчаси, 69-уй. Тел/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг қиймати — 60000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кенинг куйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темура кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'affor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihiddin MUHIDDINOV  
Svetlana GERASIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-43  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1049 8210 nusxada bosildi

i — Tijorat materiallari ISSN 2010-7633

O'ZA yakuni — 23.20 Topshirilgan vaqti — 01.40 1 2 3 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda